

## 2018 йил давомида Банк фойдасини тақсимлаш

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлар умумий йиғилишининг 2018 йил 7 июндаги 46-сонли баённома қарори билан Банкнинг 2017 йилда олган фойдасини тақсимлаш (йиғилиш кун тартибидаги 4-масала) юзасидан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:**

- “Стандарт” сифатида таснифланган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни шакллантиришга - 2 797 775,0 минг сўм;
- 2017 йил учун имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашга 3 450,0 минг сўм йўналтирилсин;
- 2017 йил учун оддий акциялар бўйича дивидендлар эълон қилинмасин.

53 368 758,2 минг сўм миқдоридаги фойда банкнинг тақсимланган фойда ҳисобварағида тақсимланмаган ҳолда қолдирилсин.

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки акциядорлар умумий йиғилишининг 2018 йил 26 сентябрдаги 47-сонли баённома қарори билан Банк фойдасини тақсимлаш (йиғилиш кун тартибидаги 1-масала) юзасидан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:**

Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан 59 000 000 000 (эллик тўққиз миллиард) сўм ва 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги соф фойдаси ҳисобидан 33 709 975 000 (ўттиз уч миллиард етти юз тўққиз миллион тўққиз юз етмиш беш минг) сўм, жами 92 709 975 000 (тўқсон икки миллиард етти юз тўққиз миллион тўққиз юз етмиш беш минг) сўм оддий акциялар бўйича ҳар бир акциянинг номиналига нисбатан 92,5 фоиз ёки 925 сўм миқдорида дивиденд тўлашга йўналтирилсин ва банк акциядорлари реестрига мувофиқ уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимлансин.